



# ЖАШЛИК СЎЗВИ




1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

31 август, чоршанба, 1994 йил Сотувда эркин нархда. № 171 (919)

## ОНА ЮРТ, БАЙРАМИНГ МУБОРАК БЎЛСИН!



Суратда: байрамдан лавҳа.

Шоназар ИБРОҲИМОВ тасвири.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари, Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Канада халқи номидан табригимизни ва самимий эзгу истакларимизни Сиз, жаноби олийларига ва мамлакатингиз халқига етказиш менга катта мамнуният бахш этди.

Ўзбекистон гуллаб-яшнаётган маданиятга ҳамда бой тарихга эга ва мен тараққийёт йўлидаги кийинчиларни бартараф этишда

Рамон Жон ГНАТИШИН, Канада Бош губернатори

### КИНОЧИЛАР ТУҲФАСИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг уч йиллик байрами арафасида республика ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар студиясида Ўзбекистон мустақиллигига бағишланган қатор кинолавларнинг суратга олиш ишлари ниҳоясига етди. "Ўзбекистон ва жаҳон" деб, номланувчи фильмда мустақиллик йўлидан дадил одимлаётган, демократик ҳуқуқлар баркарорлашган юрт — Ўзбекистоннинг

халқро майдонда сиёсий, иқтисодий ва маданий обрўси ошиб бораётганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади. Фильмни режиссерлар Г. Шукуров, Ш. Курбонов, сценарий муаллифлари А. Комиллов, Д. Исҳоқов ва Л. Левин суратга олишди. Шу кунларда эса киностудия ижодкорлари режиссер Н. Махмудовнинг "Менинг Ўзбекистоним" фильми устида иш олиб боришмоқда. Кутлуг айём кунлари юртдошларимиз

яна бир қанча қизиқарли фильмларни томоша қилиш имкониятига эга бўладилар. Булар: "Франция Президенти Ф. Миттеран Ўзбекистонда" (режиссер Ю. Собитов), "Дўстлик сўқмоқлари" (режиссер Ш. Махмудов) ва бошқа фильмлардир. Киностудия ижодкорлари халқимизнинг миллий кадриятларини тиклаш борасида ҳам ибратли ишлар қилишмоқда. Ўзбек халқининг кўзга кўринган маърифатли езувчиси, журналист Бехбудий ва шoir Чустий, буюк мунажжим Муҳаммад Тарагай Мирзо Улугбек ҳақида яратилган фильмлар айнан ана шу максаллар йўлидаги хизматлар махсулидир. Д. САИДОВА.

### • ЭКСПРЕСС-ИНТЕРВЬЮ: ХАЛҚИНГИЗ РУҲИДА ИШОНЧ, ЗАВҚ ТУЙДИК...



Мухаммад Қобил ЖАЙНАК (Туркия):

— Биз тўрт оғани икки йилдан бери савдо-сотiq ишлари билан юртингизга катнашмиз. Бу ерда кўплаб дўстлар, ҳамкорлар орттирдик. Тошкент, Андижон, Бухоро шаҳарларида ширкатларимиз идоралари ишлашди.




Фотима ҚАН (АҚШ):

— Беш ойдан бери диерингиздаман. Аниқроқ айтсам, ўз ота юртимдан. Она Туркистонда шўрлар зўравонлиги қучайган йилларда боболарим хижрат қилишга мажбур бўлганлар. Ушанда дадам Абдулфаттоҳ Аҳмадий икки яшар бола бўлган эканлар.

тогалари хондониди бўлдим. У киши 104 ешта кирибдилар. Яшашлари — яхши. Меңдек жияни Америкада ўқиб, билимли бўлгандан, шу билими орқасидан авлодларини йўқлаб келолгандан гурурланшди... Мен бўлсам, ўзбекистонлик жигарларим билан фахрланиб кеткиман. Нега десангиз, биз бу ерга Америка ҳукуматиинг топшириги билан келганмиз. Ўзбекистонлик билимдон ешлардан энг иктидориларини АҚШда ўқиб учун саралаб олиб кеткимиз. Ҳтган йили 22 талаба қабул қилинганди, бу ўқув йилида бўлса 42 нафар йигит-қиз синовлардан аъло ўтди.

Вашингтонга муружаат қилиб, келаси ўқув йили учун Ўзбекистонлик ешларга кўпроқ ўрин ажратишларини сўрадик. Чунки мустақил бу мамлакат йигит-қизлари орасида тиришқок, билимдон, истеъдодли ешлар кўп экан.



Ранс ХОН (Покистон):

— Тижоратчиман. Буцдан уч-тўрт йил илгари, гарчи ёшма-ен яшаётган бўлсам ҳам, Ўзбекистон деган мамлакат борлигини билмасдим. Республика мустақиллигини эълон қилган йилдек бу юртга учиб келмоқчи бўлдим, лекин худуддан худудга ўтиш чоғида бўладиган расмийчиликлар бунга имкон бермаганди. Ниятидан қайтмадим, бундан икки йил олдин келиб, бу гузал диер билан танишиб кетдим. Одамларнинг қизиқчилари, дидларини ўргандим. Қўлаб янги моделлардаги пойафзаллар, матолар олиб келдим. Сааво — яхши. Кўз теғмасин. Ўзбеклар кундан-кунга бойиб боришяпти...

## • Мустақиллик байроғи остида ЖОНАЖОН ВАТАН ПОСБОНЛАРИ

Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинганининг уч йиллиги арафасида ҲАД мухбири республика мудофаа вазири, генерал-лейтенант Рустам АХМЕДОВ билан учрашиб, бир неча саволга жавоб беришни илтимос қилдик.



— Рустам Ҳрмонович, маълумки, республикада Куролли Кучлари давлатимиз мустақиллигининг асосий омилларидан биридир. Ҳозир армиямиз қандай ишларни бажарётгани ҳақида гапириб берсангиз.

— Ўзбекистон Республикасининг Куролли Кучлари — ўз халқининг ажралмас қисмидир. Ҳозирги кунда еш мустақил давлатнинг армияси ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва иқтисодий-сиёсий таъриғлариди, янги ташкилий-шталар тузилмаларига ўтишга доир қўшқил қизғин ишлар билан банд. Куролли Кучларини бошқариш тизими такомиллаштирилмоқда, ҳарбий таълим тизими қайтадан ташкил этилмоқда. Бу ишда муайян муаммоларнинг мажбуриятига қарамай, Куролли Кучлар шаклий таркибининг ишончли хизмат қилувчи қисмлар ва бўлинмаларининг юксак даражадаги жанговар таъриғларини, мамлакатимизнинг мустақиллиги ва худудий ҳилитлигини, халқимизнинг тинч турмушини ишончли хизмат қилишни таъминлаш имконини беради, деб айтиш мумкин.

— Ўзбек халқи тарихида Амир Темур ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур халқ буюк саркаралар ўтган. Хоржий давлатларнинг ҳарбий академияларида бу саркараларнинг ҳарбий санъати ўрганилади. Виздани ўқув

нинг декабрида МДХ давлатлари бошлқларининг Ашгабаддаги учрашувида ҳарбий ҳамкорлики мувофиқлаштириш штабин тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Давлатимиз Ҳамдўстлик доирасида ҳарбий тузилмаларининг кўп эклами ҳамкорлигини мустақамлаш билан бир қаторда Марказий Осиё республикаларининг Россия Федерацияси билан минтақавий ҳарбий ҳамкорлигига катта эътибор бермоқда.

— 1994 йилнинг март ойида, Ўзбекистон давлат делегациясининг Россияга ташири чоғида ҳарбий имзоланган эди. Бу битимни республикаимиз Олий Кенгаши ва Россия Федерациясининг Давлат Тоқимаси тасдиқлади керак. Тожкистонда тинчликни сақлаш кучлари таркибиди икки мамлакат Куролли Кучлари баҳамжохатлигида мувофиқлаштирилган ҳаракат қилмоқда. Агар битим тасдиқланган бўлса, биз минтақадда тинчлик ва барқарорлигини сақлаб қолиш максалида ҳарбий соҳада самарали ҳамкорлик қилишга тайёризи, бу ишда кескин муаммоларини сиёсий йўл билан ҳал этишни устувор йўналиш деб ҳисоблаймиз.

— Рустам Ҳрмонович, Ҳозирги пайтда Мудофаа вазири республика ешларини ҳарбий ишга ўргатиш юзасидан қандай чоралар кўрмоқда, зобитларини тайерлаш билан шуғулланадиган ҳарбий лицейлар, Ўзбекистон олий ўқув юртиларидаги ҳарбий кафедралар фаолиятига қандай ўзаришлар бўлмоқда?

— Ўз Куролли Кучларига эга бўлган ҳар қандай давлатда аҳолини, айниқса, ешларни ҳарбий

# ЖАҲОН ИЧРА БИР ЖАҲОН — ЎЗБЕКИСТОНИМ МЕНИНГ!

1991-1994

31 август — Ўзбекистон Олий Кенгашининг VI сессиясида Ўзбекистон Республикаси мустақил деб, 1 сентябрь эса — Мустақиллик байрами куни деб эълон қилинди.

5 сентябрь — Ленин номидайдон Мустақиллик майдони деб ўзгаририлди.

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасдиқланди.

16 декабрь — Туркия ҳукумати биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тан олди.

29 декабрь — Ўзбекистон тарихида ilk бор умумхалқ йўли билан Президент сайлови (минтақада фақатгина бизнинг жумҳуриятда у муқобиллик асосида ўтди) бўлди. Унда Исом Каримов катта галабага эришди: 86 фойдан кўп овоз олиб, Президент этиб сайланди.

1992 йил

2 февраль — мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Давосда (Швейцария) Жаҳон Иқтисодий анжуманида нутқ сўзлади.

26 февраль — Ўзбекистон Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Умумевропа Кенгашига аъзо бўлди.

2 март — Ўзбекистон Республикаси БМТга қабул қилинди. БМТнинг Нью-Йоркдаги биносида Ўзбекистон Давлат байроғи қўйилди.

16 март — Ўзбекистонда АҚШ элчихонаси очилди.

27 апрель — Туркиянинг ушандаги Бош вазири Сулаймон Демирал Тошкентга келди.

28 апрель — Ўзбекистонда Туркия элчихонаси очилди.

8 май — Ўзбекистон Олий Кенгаши расмий равишда қарор билан Тошкентдаги Киров, Куйбисhev, Ленин, Октябрь, Фрунзе районлари номи тегшишча Юнусов, Мирзо Улутбек, Миробод, Шайхонтоҳур ва Яқкасарой деб ўзгаририлди.

9-10 май — Ашгабатда Урта Осиё ва Қозғоистон, Эрон, Туркия ва Покистон республикалари давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашувлари бўлди. Унда Тажан — Серахс — Машиҳад темир йўли қурилиши ҳақида келишилди.

15 май — Тошкентда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари раҳбарларининг учрашуви бошланди. У тарихда энг қисқа ва энг самарали учрашув бўлди.

2 июль — Ўзбекистон Республикаси фуқароларини тўғрисида "ти қонун қабул қилинди.

9-10 июль — Финляндия пойтахти Хельсинкида Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Умумевропа Кенгашида Ўзбекистон Президенти Исом Каримов нутқ сўзлади ва иккинчи куни эса Кенгаш мажлисида раислик қилди.

Исом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумати делегацияси расмий визит билан Хитой Халқ Республикаси (14 март), Саудия Арабистонига (11 апрель), Жанубий Кореяга (16 июль), Малайзияга (19 июль), Индонезияга (22 июль), Покистон Исом Республикаси (13 август) тапширғи буюрди.

1993 йил

3 январь — Тошкентда Марказий Осиё давлатлари бошчилиги учрашуви бўлди.

13 январь — Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги фахруллоҳда ва мухтор элчиси Дилип Мехта мамлакатимиз Президентига ишонч ерлиги топирилди.

## ИСТИҚЛОЛДА БОШЛАНГАН БУЮК КЕЛАЖАК

Уч йиллик истиқлол даврида Ўзбекистоннинг келажagini буюк қилаётган шундай улкан ишлар амалга оширилди, уларнинг тарихимизда мисли кўрилмаган жиқис ва суръати нафақат Тошкентда, балки вилоятларга чиққанингизда ҳам кўзга аққол ташланади.

Шу йил ёз чиласида Наманган вилоятига борганимизда Сирдарё бўйидаги Мингбулоқда янги кон очилганининг қувончига шерик бўлдик. Бурғиловчилар йил охиригача бу ерда яна икки-учта шундай нефть манбани ишга туширишни мўлжалламоқдалар. Демак, яқин келажакда Сирдарё бўйида янги конлар бўлади. Биргина вилоятда шунча катта ер ости бойлигини кашф этган кишиларимиз — истиқлолда бошланган буюк келажакнинг илгор вакиллари.

Жиззах вилоятига борганимизда Форш туманининг Учқулоч қонидан олинган нафти одир тасдиқланган. Бурғиловчилар йил охиригача бу ерда яна икки-учта шундай нефть манбани ишга туширишни мўлжалламоқдалар. Демак, яқин келажакда Сирдарё бўйида янги конлар бўлади. Биргина вилоятда шунча катта ер ости бойлигини кашф этган кишиларимиз — истиқлолда бошланган буюк келажакнинг илгор вакиллари.

Истиқлолда бошланган ерғи истиқлолнинг ишончлиги ҳар бир вилоятда жаҳоннинг машҳур мамлакатлари билан ҳамкорликда қурилаётган корхоналарнинг йил сайини кўпайиб бораётганида ҳам кўришиб туради. Жиззахда гўзалона қайта ишлаб, ёғоч материаллари даражасига етказилган ва ундан уй жиҳозлари ишлаб чиқаришга ишлов бериладиган завод самарали иш бошлади. Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда қурилган бу корхона халқимизнинг уй жиҳозларига бўлган катта эҳтиёжин қондиришда шундайроқ қўшиб ҳайдаб юборилаётган гўзалона каби маҳаллий материаллардан оқилона фойдаланишининг йўлини очиб берди.

Наманганнинг Қосонсой туманида сўнгги бир йил ичда қурилган катта-кичик корхоналарнинг иккинчи иш билан таъминлаш иккинчиси бўлди. Шу туманда Туркия ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда қурилаётган катта комбинат жун ва терини қайта ишлаб, хариidorғир маҳсулотга айлантириш устида иш олиб бораётди. Сирдарё вилоятининг Оқолти ва Бобуват туманларида ҳам чет эл фирмалари билан ҳамкорликда иш бошланган энгил саноат корхоналари истеъмол бозорини зарур моллар билан тўлдирishi ишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Тараққий этган мамлакатлар билан ҳамкорликда ривож топган саноатнинг қиллоққа келиши деҳқонларимизда ҳам жаҳоннинг илгор тажрибасининг ўрганиши ва таътиқ этишига бўлган қилқизиши охиригача. Тоғ этакларидаги Нанай, Зарент каби қиллоқ далаларида ҳам серхосил Қолландия қартоқчаси яраб ўсмоқда. Ингирма-ўттиз гектарлик катта пайкаллар бу қартоқча гулзорларга ўшаб кетади. Сабзавоткорларимиз бу йил гўланда қартоқчасининг ҳар

Пиримқул ҚОДИРОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ерда бугдой кечроқ пишади. Лекин ҳосил яхши бўлгани учун туман раҳбарлари ражадан ташқари давлатга икки минг тонна дон топирилди. Хонадонларда ҳам дон кўп. Янги қурилган тегирмонлар ишлаб турбиди. Одамларда мол кўп, қўй бўлишининг қилоси шаҳарларда 30 сўмдан ошган пайларда ҳам Форш ва Бахмал туманларида унинг нархи бундан икки баробар пастр юрди.

Кўчилик хонадонларда «телевизор бор. Президентимизнинг оташин нутқларини эшитган ва унинг халқ бахти йўлида қилаётган фидокорона ишларидан руҳланган некин одамлар ва фахрийлар: «Биз юртбошимиздан миннатдоримиз», дейишди.

Урни келса бориб айтиш, биз Қариювга арчанинг умрини тайилмай! Арча минг йил умр кўради. Яна кўп йиллар бизга юртбошим бўлиб, ҳамма мурод-мақсадларига етсинлар!

Бахмаллик Хожя Абдуғафоров отанинг бу жўшқин тилкаларига биз ҳам чин дилдан қўшилишимиз.



Абдуқаҳор ОЛИМОВ, Избоскан туманидаги «Шерматобод» қишлоқ касалхонаси шифокори:

— Олдийгоҳи тамомлаб келганимдан буюн қишлоқ касалхонасида ишламан. Очингани айта қолай, кейинги уч йил хаётида шу қадар туб бурчиш ясади-ки, изохлаш қийин. Олдийгоҳи мисол. Тўртқул қишлоқнинг аксарият халқи ўзбеклар. Аммо касаллик тарихини езиш еки ташхис қўйиш, беморни дорихонага йўллашда, албатта, рус тилидан фойдаланилади. Фақат таълим эмас, аксарият жойларда шундай йўл тутилди. Она тилимизга давлат мақоми берилгач, энди ўз тилимизда иш олиб бораёмиз.

## ҲАР БИР КИШИНИНГ ЮЗИДА ТАБАССУМ, КЎЗИДА ШОДЛИК

Элсизангиз, юракда оғриқ туради. Қўз келди, дегунча қишлоқ шифохоналари сарик, ички касаллик билан оғриган беморларга тўлиб кетарди. Сабобини англадиришлар. Пахтачиликда «бутифос» деган захар-заққумни қўллаш туфайли шундай бўлади-да. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, халқимиз бошига қулаётган келтирилган балоқазондан халос бўлди. Фақат бугунга эмас, ҳуқуқимизни томонидан «Соғлом авлод учун» дастурининг ишлаб чиқилганлиги катта воқеа бўлди. Ахир фарзандлари соғлом, бақувват юртининг қалъаси мустаҳкам, қалқони бут бўлди.

Пок ният билан оқ қийим кийган шифокорнинг қалби ҳам пок бўлади. Биз ҳушмуомалалик, касб содоқатини мезон қилиб ишлаётимиз. Бойси — беморни фақатгина доридармон билан даволас бўлади деганлар энгилдиладилар. Қўнғилларга ширин сўзни малҳам қилишининг ўзи ҳам катта саъят. Умидимиз — ҳар бир кишининг юзида табассум, кўзида шодлик елқини чакнасин. Соғлом инсондагина шундай бўлади.

## «Халқ сўзи» анкетаси БИЗ, ДЕҲҚОНЛАР ЭСА КАМАРБАСТАМИЗ

1. Шаҳсан ўзингиз, жамоангиз байрамни қандай туйғулар билан қутиб олаётиз?

2. Сизнингча, шу 3 йил ичда бўлган қайси ўзгаришлар энг муҳим ва нега?

3. Истиқлолни мустақамлаш учун, айниқса, тўлиқ иқтисодий мустақилликка эришни учун бундан буюн қандай юмшларни амалга ошириш керак, деб ўйлайсиз?

Салоҳиддин ФАЙЗИЕВ, Когон тумани, Баҳодурин Наҳбидин номи жамоа ҳўжални аъзоси:

1. Агар шойр еки езувчи бўлганимизда ўз туйғуларини ажойиб тарзда ифодалаб берган бўлардим. Ҳозир эса унча сўз тополмайман... Жамоамиз қайфияти эмас. Байрамга пухта ҳозирлик қўрашмиз, яъни уни меҳнат зафарлари билан қутиб олашмиз.

2. Уч йил ичдаги энг муҳим ўзгаришлардан бири давлатимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганлиги, деб ҳисоблайман. Бу

мустақил Ўзбекистонни дунё халқлари тан олганидан далолатдир. Бундай бахтга етганимизга шукр қиламан.

3. Ишонч билан айта тўлиқ иқтисодий мустақилликка эришамиз. Бугунги кунда давлатимизнинг завоуд ва фабрикалар, кичик корхоналар унинг дебоқасидир.

Юртбошимизнинг тарихий 21 январь Фармони эса иқтисодий мустақилликка эришишдаги қалитдир. Фақат бу қалитдан тўғри ва оқилона фойдаланиш зарур. Биз, деҳқонлар ана шу улғун ният йўлида камарбастамиз.

## Қалларда акс-садо

### Ҳамиша қуешдай чарақлаб турсин!



Фароғат ая МИРКОМИЛОВА, пенсиякор, Тошкент шаҳри:

— Илгари биз сингари фуқароларнинг хорижга чиқиши у ақда турсин, бу ҳақда ўйлаб ҳам қўрқолмасдик. Истиқлол туфайли юртимиз дарвозалари очилди. Бу йил ўғлим «Ойи, қовун пишигда 80 ёшга тўларкансиз. Ҳажга бориб келинг», деб қўярда-қўймай олиб кетди. Уёқда ватандошлар кўп экан.

Ўзбекистондаги яшашини биллишиб, ота-боболаримиз юртининг тупроқларини босиб келгансизлар, биз учун Ўзбекистоннинг тўғри, озодинги муқаддас, деб қўл хурсанд бўлишимиз. Улар Ўзбекистон ошиб бориладиган Қора Ободул қишлоғида ҳам қабул пустиги қурилган галлакорларга катта энгиллик берди. Раҳматини Мусоқул Ороловга тоғайди бўлқонлардан сўз келтириб, боғ-роғлар барпо қилган, энгилзорларни қўйибтурган эди. Бу ердаги ширкат хўжалиги мардона ишлаб ўтган ана шу фидокор инсон номи билан аталар экан. Унинг яхши ишларини ўғли Муҳаммадёр Оролов давом эттириб, лаллик ерлардан бу йил ўн минг тоннадан ошириб дон топирилди.

Бахмал туманидаги лаллик ерларнинг анча қисми қорли Ойкор қўқиларига яқин бўлгани учун бу тарққийт йўлинигиз асос қилиб олинди. Бозор иқтисоди ўтиш куруқ мақсад эмас, балки иқтисодий юксалтириш, юқори даражадаги сифат ўзгаришларига эришиш востосида деб белгиланди. Мақсад — табиий ресурслардан, иллий ва амалий салоҳиятдан, мавжуд ишлаб чиқарishi востосларидан унўли фойдаланиш ва шу орқали яқин келажакда ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олиш.

Қўнғилган мақсадга эришишда юртбошимиз белгиланган берган

### Ислохотлар меваси



Эркин ХОЛБЎТАЕВ, Андийон вилояти, Шаҳрихон тумани, Ғ. Жўраев номи жамоа хўжалиги бош иқтисодчиси:


— Эртага мустақиллигимизнинг уч йиллигини катта тантана билан нишонлаймиз. Шу уч йил ичда рўй берган катта ўзгаришлар ҳар бир фуқаро ҳаётига сингир бормоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалигига ўтказилаётган ислохотлар ўз мевасини бера бошлади. Энди деҳқон ўз кучи, ортиқча вақт, маблаг сарфланар эди.

Ғаллакорларнинг талаб ва эҳтиёжлари вилоят қоқимлиги томонидан ҳисобга олинди, янги ҳосил учун Форш ва Бахмал туманларида шу йилнинг ўзанда давлат қабул пунктлари қўриб би-тирилди. Айниқса, баланд донадан ошиб бориладиган Қора Ободул қишлоғида ҳам қабул пустиги қурилган галлакорларга катта энгиллик берди. Раҳматини Мусоқул Ороловга тоғайди бўлқонлардан сўз келтириб, боғ-роғлар барпо қилган, энгилзорларни қўйибтурган эди. Бу ердаги ширкат хўжалиги мардона ишлаб ўтган ана шу фидокор инсон номи билан аталар экан. Унинг яхши ишларини ўғли Муҳаммадёр Оролов давом эттириб, лаллик ерлардан бу йил ўн минг тоннадан ошириб дон топирилди.

Бахмал туманидаги лаллик ерларнинг анча қисми қорли Ойкор қўқиларига яқин бўлгани учун бу тарққийт йўлинигиз асос қилиб олинди. Бозор иқтисоди ўтиш куруқ мақсад эмас, балки иқтисодий юксалтириш, юқори даражадаги сифат ўзгаришларига эришиш востосида деб белгиланди. Мақсад — табиий ресурслардан, иллий ва амалий салоҳиятдан, мавжуд ишлаб чиқарishi востосларидан унўли фойдаланиш ва шу орқали яқин келажакда ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олиш.

Қўнғилган мақсадга эришишда юртбошимиз белгиланган берган

### Умр бўйи қўрмаган гамхўрликларни қўришимиз



Ҳабибулла АХМЕДОВ, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Маданият» маҳалласи ветеранлар кенгаши раиси:

— Бу йил 81 ёшга тўлдим. Меҳнат фахрийсиман. Эсини танганимдан буюн яхши кўнларини ҳам, қийинчиликларини ҳам бошимдан ўтказдим. Халқимиз бошига тушган оғир кунлар, катагонлар... Уйласанг, ҳали ҳам юрагинг орқага тортиб кетади. Бугунги озорқ қийинчиликдан қолметган ишларни қўриб, ҳайрон қолман. Билганида кучиб кўзида умр бўйи қўригилар ноллиб ўтиришса. Агар эринмай ахлат қутиларини титсангиз, бир сондада бир қор нои йили оласиз. Бу тўлиқ аломати эмасми!

— Оллоҳга минг қатла шукрлар бўлсинки, бу йил мустақиллигимизнинг уч йиллиги туғини қўриш ҳам нисиб бўлди. Умр бўйи қўригилар гамхўрликларини қўрашмиз. Энг асосийси — миллимизнинг тақдирини, шавкати тикланди. Ота-боболаримиз, аъналаримиз яна ҳаётимизга қириб келаяпти. Қарияларга, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш, уларнинг бошини силлаш бугунги кунда оддий қолма айланма. Бу ишларнинг бошида турган Президентимизга байрам арафасида биз, кексалар омонлик, соғлиқ тилашимиз.

Мени юртимиз одамлари руҳидаги аҳиллик, жипслик туйғуси кучайиб бораётганлиги қувонтиради. Бу республикамиз ҳуқуқати олиб бораётган сиебатини Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат вакиллари некинлик билан тушунаётганлигининг натижасидир. Бундай юрт эгаларининг келажак бахтли бўлиши мўқарар!

Узиниз ёқили энергетикаси билан таъминлашга эришиш, озиқ-овқат ва истеъмол моллари билан азали талабини Ўзбекистонда энг кам бўлди. Яна бир масала: Россия «фаваққ» тарапқисининг оқибатлари МДХнинг бошқа мамлакатларида ҳам назобин бўлганди. Уган йили Украина, Тожикистон, Туркменистон ва Арманистонда истеъмол моллар бақоси 20-45 баробар қўририлиб кетди. Бу мамлакатларда ақили пул даромадининг ўсиши нарх-наводан анча орқада қолмоқда. Ўзбеки-

### Уни асраб-авайлайлик!



Даврон МАТҚУБОВ, тиббиёт билим йўти топиб:

— Мустақилликка эришгилгач, ёшлар ҳаётига муносабат кескин ўзгарди. Уларнинг билим олиши, касб-кор ўрганиши учун борча имкониятларни яратиб беришга катта эътибор қаратилди. Бунда юртбошимизнинг хизмати катта.

Эндиликда ўқувчилар, талабалар билим олиш ўрнига далада-пахта термайди, қурилишларда ишламайди. Улар олдинга фақат ўқиб, келажакда етук муҳассис бўлиш вазифаси қўйилган. Хўзирги кунда ҳар бир талаба давлат ҳимосида, ҳар бири энг камда юз сўм миқдорда стипендия билан таъминланган. Ҳуқуқатимиз томонидан талабаларга қўрсатилмаётган бундай гамхўрликлар келажакда ўз мевасини беради, албатта.

Мамлакатимиз мустақиллигининг уч йиллигини минглаб талабалар қатори бахтиёрлик билан қутиб олашми. Бизнинг қўқор билим олишимиз учун имконият яратиб берган мустақиллигини асраб-авайлаш бурчимиздир.

Умуман, ўтиш даври бу доимий ўзгаришлар, кутулмаган тўсиқларни бартараф қилиш, узлуқсиз изланишлар давридир. Ўзгаришлар ўз-ўзидан рўйбга чиқмаслиги маълум. Бунинг учун қўпроқ «қўжумкорлик»ка ўтиб, қийинчиликлар қўндирishi, қийинчиликлар ром этиши, яна қийинчиликлар турткилиб туршига тўғри келади. Жаиниятдаги тақчил ишлаб чиқарishi востосларини жамлаш, уларнинг ўстивор йўналишларини ишлатилишини таъминлаш ҳам «қўжумкорлик»ка кирди. Шу сабаб, ўзгаришнинг муқаммал чор-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни изчиллик билан ҳаётга таътиқ қилишга тўғри келаяпти. Булар Президентимиз фармонларида, Вазирлар Маҳкамаси қарорларида ўз ифодасини топтоқда.

Россиянинг «қимоя услуби»ни ислохотни ўз қолнга ташлаб қўйиш, анқроғи, бошбошқоқлик деб тушуниш керак. Бу ўслуб талаб доирасидан буюн ўзгаришларга суянади ва монетаристик сиебат орқали амалга оширилади. Лекин ҳар қандай «қимоя» услуби, яъни эркинлик қонун-қондалар муқаммал бўлишини, фаоллик умуман чегараланмаслигини, бозор муносабатларига ҳам инфраструктура, савдо уйлари, пул-кредит тизими бўлишини тақозо қилади. Бундай услуб тақозо эркин бозор тўла шаклланиш пайдаргани эҳобий натижа, юқори самара бериши мумкин. Вақоланки, Россияда тарққийтнинг табиий погонларини четлаб ўтиш қоллари кузатишмоқда.

Эркин бозор муносабатларини шакллантириш учун вақт — ўтиш даври керак. Биз аини чоғда ана шу жаҳонини бошдан кенгирляшимиз. Вақт ҳозир бизнинг фойдаманга ишляпти. Ишонло, ҳадемай яхши кунларга етасим!

Ашар ЗИЕ.

## ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК МАНЗИЛИ ЙЎЛИДАГИ ЮРТ



Ўзбекистон Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик қарор топиши учун катта улғун қўшаётган давлатдир. Унинг халққор мавқеи ва тууган йўли миқсеси ҳаммага маълум ва машҳур. У ҳам бўлса — тинчлик, барқарорлик, осуда тараққийт тарафлори сифатида танилаётганлигидир.

Яқинда Ўзбекистон ўзининг миллий пулини, жорий этди. Миллий валюта эса ҳар қандай миллий давлатнинг ҳақикий мустақиллигини қўрсатувчи ва таъминловчи муҳим омиллардандир.

Агар биз мана шу қисқа даврда амалга оширилган ҳажман улкан ютуқларни мустақил Ўзбекистон ўзи сингари қардош юртлар орасида собитқадамлик билан илгари оидилаётган хур республика эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Заррача шак-шубҳа йўқки, келажакда Ўзбекистон барқамол давлатга айланади. Чунки унда чексиз табиий ва башарий имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон халқига чин қалбдан самимий табриқларимизни яна бир бор йўллашни истаيمان.

Мадда Дайф, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ахборот бўйича маслаҳатчиси.

# БОЗОР ИҚТИСОДИ ҚУРУҚ МАҚСАД ЭМАС (Истиқлол ва ўтиш даври)

тамоилларга амал қилинмоқда. Булар — иқтисоднинг сиебатдан давлатнинг барпо этилиши десак, муболага бўлмайди.

Мустақиллик эълон қилинган пайлар республикамизда олдиди иқтисодий ислохотларнинг бир неча муқобий йўналишлари бор эди.

Лекин ушбу моделларнинг бирортасидан ҳам тўла нусха қўрилмади. Мавжуд иқтисодий шароит, миллий урф-одат, аъналардан келиб чиқиб, ўзинига ҳос йўли тилади.

Бу юқорда зикр этилган барча моделлардаги иқобий йўналиш ва хўсусиятларни ўзиде муқаммалаштирган йўл бўлди. Ислохотларда изчиллик, ақоли манфаатини нобатга олиш, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг давлат томонидан рағбатлантириш, боққарува жиловини қўлда чикқармаслик

маҳсулотлар асосан нодир ва рангли металллар, пахта толаси, ипақ, газ ва бошқа хомаш тўрларидан иборат эди. Энди экспортга саноат маҳсулотларини чиқариш жолланиб боряпти. Республикамаизга жалб қилинмаётган чет эл технологиялари, ишлаб чиқарishi услублари, сарможалар экспорт салоҳиятида кескин кенгайтиришга олиб келиши шубҳасиз.

Республикамизда амалга оширилаётган ислохот расминияти учун бўлмаётган Ҳамдўстлик мамлакатларидеги иқтисодий аҳоил билан қилсанганда яққол кўрилади. Статистика маълумотларига қараганда, МДХ давлатларида ҳозир ҳам иқтисодий бўларини давом этмоқда. Россия, Украина, Қозғоистон ва Қирғизистоннинг айни пайдаги миллий даромади 1990 йилдаги миллий даромадининг 45-55 фойзини ташкил этмоқда. МДХ мамлакатлари орасида бундай пасайиш Ўзбекистонда энг кам бўлди. Яна бир масала: Россия «фаваққ» тарапқисининг оқибатлари МДХнинг бошқа мамлакатларида ҳам назобин бўлганди. Уган йили Украина, Тожикистон, Туркменистон ва Арманистонда истеъмол моллар бақоси 20-45 баробар қўририлиб кетди. Бу мамлакатларда ақили пул даромадининг ўсиши нарх-наводан анча орқада қолмоқда. Ўзбеки-

танда эса кескин тафовутга йўл қўйилмай, пул даромади билан нарх-наво ўсиши мумкин қадар тенг бўлишига эришилди. Натнжада аҳолининг даромади бўйича табақаланиш даражаси бизда 4,2, Қозғоистонда — 8,5, Украинада — 8,8, Россияда 10,4 кarrани ташкил этди.

Агар чакана савдо ҳисоботларига назар ташласак, мол айирбошлаш ҳажми фақат Ўзбекистонда ўсаётганини кўрамиз. Бизнингча, бу пул-товар айланишидаги мавжуд тўсиқлар й

ЖУРНИЯТ ЁРДЎСИДАН ЧАМАН — БЎСТОННИМ МЕНИНГ!

Нажмиддин КОМИЛОВ

ИСТИҚЛОЛ ВА МАЪНАВИЯТ

Хали университетда ўқиб юрган пайтларимиз. "Тирик сатрлар" номли китоб нашр бўлганини, унда Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Элбек каби қатъанга учраган шорларнинг иккидан намуналар киритилгани ҳақида хабар тарақлади.

Аммо китоб бизнинг қўлимизга келиб етмади, чунки у мусодара қилиниб, жами нусхалари йиғиштириб олинган эди. Бу кичик бир инсон, холос. Уша йилларда миллатим, халқим деган ҳар бир эвуни, Ваганин овоз ва мустикали бўлмаган бўлган ҳар бир эвуни ёни жонқувар раҳбар таъбиб остига олиниб, бадном қилинар, халқ душмани деб қораланди. Натийжада халқ ўз маънавий мероси, тарихини холдан тарада, бемалол уришидан маҳрум бўлиб қолди. Мустақиллашган ҳақиқий қадриятларимиз устида ҳижронлик қилиш, ўз маънавиятига мос реалдан нарсаларини бизга ўргатишга интилар, миллий ўз-ўзини англаш сари қўйилган ҳар бир эгу қадамни таққиллашга уринадилар.

Амалдан қатъий назар, ҳар бир киши халқни ўйлаб, адолат ва инсоф қонунига асосан иш юритса, барчамизга фойда бўлади, мамлакатимиз шунча тез фаровонликка чиқади. Иқтисодий ислохотлар табиий равишда, тафаккур ва қарашларимизда ҳам ўзгаришларни талаб қилади. Лекин бу мафкура ўзгаришлари сабабги томонга эмас, ижобий томонга қараб ривожланса, яхши бўлади. Қўнчилигимиз улуг Навоийнинг: "Одами арсанг, дематиг одамий, Ониким, йўқ халқ гамидин гами деган байтини ед биламиз. Буни шор қилиб ёзиб қўйганмиз. Аммо бу сўзларга қамчилик эмал бўлса, қамчиликми? Агар сен одам қилсанг, халқ гами билан яшаматган одамни одам дема! Маана, ҳазрат Навоийнинг эътиқоди-иймони! Ҳар кун, ҳар соатда юрт гами, одамлар гами билан нафас олиш керак. Бизнинг ахлоқимиз ана шу томонга қараб ўзгарса қандай яхши! Ҳар айтди, маънавий риёни энди тарк этиш вақти келди. Агар киши кўп



Сухбатдошимиз Мирзаобод туманидаги "Москва" ширкатлар уюшмасининг раиси Юсуф Товбаев. У Гўлжа ва Ивановлар қатъонининг сўнгги бандилардан бири. Ноҳаддан беш ярим йил темир пажжаравар ортда ўтирган. Истиқлол туғилган адолат топан. Озолик ва мустақиллик сўзлари маънисини, кадр-қимматини билдирган инсон. — Юсуф ака, улуг ва тантанали айём арафасида учун отир қунарни эслаш сиз ўтун отир бўлса керак? — Бир вақтлар озоқ Ваган ва халқимиз ҳақида битган қораломаларимиз туман газетасида соқилган. Ёшим эликдан олиш ҳақиқий озолик қунарни кўрдим-ю, бу сўзнинг ҳақиқий маънисини англаб етдим. Аслида мустақилликкача ҳар биримизнинг

"ЕТҚАЗГАНИГА ШУҚР"

эркимиз, ҳақ-ҳуқуқимиз кўрнимас пўлат занжирлар исқанжасида бўлган экан. Бу аjoyиб "озодликнинг наҳидаси"ни ўз ҳаётидан татиб ҳам кўрдим. Жихаз вилотиининг Дўстлик туманидаги 27-дават хўжалиги раҳбари эдим. Марказдан уштарилган тошбронга Жихаз вилотидан бошқарти мен дуч бўлдим. Тўри идоранинг ўзида хибсага олиниди, тухмавлар уштариди. Сўнсия тўрт йил ўн ой куриш кўрмай, қамоқда ўтирдим. Сўнря яна 14 йил беришди. Ундан кейин ҳам тинч қўйишмади. Гоҳида терговчилар стол устига иккита оқ қоғоз қўйишар — сизга қимнинг-дир устидан тухма ҳат езишни, иккита қимнинг эса "муқофот" тариқасида афвона езишни тавсия этишарди. — Оилангизга ҳам осон бўлмаганми? — Тўриси, қамоқда "Ўзбеклар иши" деган рўйхатда номи бор бўлган махбўсларга ҳам, уларнинг оиласига ҳам ҳеч осон ўлгани йўқ. Биласизми, оилам хибсага олиниган ҳақида 13 қунадан сўнг хабар топган. Судга, янги тўрт йилдан эиет турмада етган вақтида турмуш ўртоғим 130 чақирим йўл босиб,

- 1991 — 1994
22 январь — Минск шаҳрида МДХ мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқлари учрашдилар.
25 январь — Тошкентда Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари очилди.
1 февраль — Эрон ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилотиий расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.
4 март — Мустақил Ўзбекистоннинг илк олий ишони — "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилди.
17 июль — Президентимиз И. Каримов Буюк Британия қиролчилиси Елизавета Пининг қизи малика Анна зоти оилаларини қабул қилди.
20 июль — мамлакатимиз Президент И. Каримов БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили этиб тайинланган Холид Башир Маликинни қабул қилди.
28 июль — Президентимиз И. Каримов амалий ташриф билан Қозғистон пойтахти Алматыга ташриф буюрди.
26-27 август — Ўзбекистон, Қозғистон ва Қирғизистон Республикалари Президентлари И. Каримов, Н. Назарбаев, А. Ақаевлар Қозғистоннинг Кўкчатов вилотида дийдор кўришиб, бозор иқтисодиёти муаммолари ҳамда мустақилликни аниқла мустақиллаш йўлидаги омиллар юзасидан фикрлашиб олдилар.
2 сентябрь — Тошкентда 12-чақирғ республика Олий Кенгашининг XIII сессияси иш бошлади.
26-28 сентябрь — мамлакатимиз Президент И. Каримов Нью-Йоркда — БМТ Бош асамблеясида 48-сессияда иштирок этиди ва унда катта нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбари мазкур сессия чоғида БМТ Бош котиб Бутрос Голлий ва АҚШ Президент И Билл Клинтонлар билан учрашди.
24 октябрь — Ўзбекистонда БМТ ваколатхонаси очилди.
27-30 октябрь — мамлакатимиз Президент И. Каримов Франция Президент И. Миттераннинг тақлифини Ф.Инон расмий давлат ташриф билан ушбу давлатда бўлди.
22-25 ноябрь — мамлакатимиз Президент Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигига ташриф буюрди.
23 декабрь — Ашгабтда МДХ давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги учрашуви ўтказилди.
28 декабрь — Тошкентда 12-чақирғ Ўзбекистон Олий Кенгашининг XIV сессияси очилди.
1994 йил
5-6 май — Тошкентда 12-чақирғ Ўзбекистон Олий Кенгашининг XV сессияси бўлиб ўтди. Унда бир қанча қонунлар билан бирга мустақил Ватанимизнинг қатор орден ва медаллари қабул қилинди.
1 июль — Ўзбекистон Республикасининг ўз миллий пули-сўм муомалага киритилди.
24 июль — республика Вазири Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмушунини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.
11 август — Ўзбекистон Республикасининг Президент И. Каримов Малайзия ва Индонезия мамлакатларининг Республикаминингта фавқулодда ва мухтор элчиларидан ишонч ершиқлари қабул қилинди.

Шу осмон сеники ва шу озоқ юрт, Шу тупроқ сеники, кўзларингга сурт



нарсга билсаю, минбарларда соатлаб келиб, шайтоний қилиқларга барҳам бериш, ҳам эҳтирон ва ҳам ботинан пок Исон дининининг ҳам асосий талабидир. Имомни, диниати одам аввало ҳиёнат ва мақру ҳийладан узоқ юради, сўзда эмас, балки амалда инсонийлик намуналарини кўрсатади. "Динор ва дирхамга (яъни олтинга) кўп бўлганларга лаянат бўлсин", дейилган Мухаммад алайҳиссалом ҳадисларидан бирида. Имом Фаззолий "Кимен саодат" номли китобида эади: "Беш тоифа кишиларни савдога аралаштириш ҳаромдир. Булар: бағоғат етмаган болалар, кўзи оғизлар, қулар, қорамқур, талончилар ва девоналар. Ёш болаларни, агар оталари бозорга юборган бўлса ҳам, улар билан муомала қилиш ҳаромдир. Бозор муносабатлари ҳақинидаги ириб келган бугунги қандайгина аниқланган тиклаб, болалар ўғитга қулоқ солишини аҳамият катта. Фақат савдо аҳли эмас, барча касб-кордаги кишилар ҳалоп, диниёти бўлса, эгалланган мансаб-

ПОЙТУҒ АСЛИГА ҚАЙТМОҚДА

ЯҚИН-ЯҚИНГАЧА Пойтуғдек қўнча шаҳарда фахрланса арзийдиган бозор йўқ эди. Борларига ҳам қадам ранюнда қилсангиз, дилингиз ҳуфтон бўларди. Боси — расталар тартибсиз қуриб ташланган, ахлат уюмлари тўпланиб ётарди. Утган йили ҳоқимликда раҳбарлар алмашди-ю, бозорга бўлган муносабат ҳам ўзгарди. Қисқа муддатда миллий услубдаги нақшикор 63 та дўкон қуриб битказилди. Мутасаддилар юртнинг шаклу шамоилини ўрганишди. Маълум бўлишча, бир вақтлар ўзининг ширмой нони билан машхур бўлган Пойтуғда ширмой енадишалар қолмабди. Пиқоқозларни айтмайсизми, улар ҳам касбларини ўзгартиришибди. Ҳатто бирор маросим учун гул керак бўлса, вилот марказига чопадиган бўлиб қолганлар. — Пойтуғ қадимдан хунармандлар юрти бўлган, — таъкидлайди туман ҳоқими Сайфиддин Бегалиев. — Уну-тилаезган касбларни тикламоқчимиз. 30 та дўконни хунармандлар тасарруфига топшираемиз... Бир-биридан чиройли дўконлари қуриб, ҳавасингиз келди. Турли қушлар сайраб турибди. Мутасаддилар уларнинг ташқи кўринишигагина эмас, ички безакларига ҳам алоҳида эътибор берилар. Қолаверса, харидорларни мунтазам қишлоқ хўжалик махсўслари билан таъминлаш мақсадида А. Тиллабоев номли, "Чўлбон"

махсўлотимиз ўз тасарруфимизда. Боз устига, юртбошимиз Ислам Каримовнинг ўз вақтида қўзатган гаҳқўлиги туғайли "Ўзбеклар иши"нинг қурбонлари ҳам еруқ қунарга еруқ тиз билан етишди. Халқимиз бизга ўшаган минглаб юртдошларини яна ўз бағрига олди. Айбис айбдорлар эканлигини тўншунди. Жумлалан, шахсан мен 1989 йили озоликка чиққинида ўзим раҳбарлик қилган 27-дават хўжалиги жамоасининг катта ердани борлигини ҳеч қачон еддан чиқармайдим. Улар билан бир неча йил яна бирга ишладик. 1994 йили туғилди ўсан жойим — Сирдарё вилотиининг Мирзаобод туманидаги "Москва" ширкатлар уюшмасига раси этиб сайландим. Чин дилдан, ҳалол меҳнат қилсанг, ҳеч вақт ҳам бўлмайдиган, адолатли зamon ҳозир. Қолаверса, бу қунарга етганлар ер, етмаганлар бор. Истиқлол оstonсига етолмай, озолик неъматидан бебахра ўтган ўнлаб қисматдошлар ҳақида ўйлаб, беихтир шў дорулмон замонага етангима шўқурланган айтаман. Сўхбатдош: "Халқ сўзи" мухбири Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ.

БАЙРАМГА СОВГА ТАЙЁРЛАШАПТИ

Самарқанддаги 1-сонли агар қурилиш трести бу йил 20 га яқин биноларни битказиб, фойдаланиш учун топширди. Айни кунда улар Пастдаргом туманидаги 500 ўринли мактабининг ишга тушириш учун охирига таъмирлаш юмушларини олиб боришмоқда. Қурилиш ишчилари мустақилликнинг уч йиллиги қунаридан вилотдаги янги касалхона биносини ҳам ишга тушириш учун тиним билмай меҳнат қилмоқдалар. Г. САОДАТОВА.

ЭЛГА ШУНДАЙ ЖОНҚУЯРЛАР КЕРАК

"ҚУВАСОЙ" давлат хўжалиги Шўхратжон Дадабоев директор бўлиб ишлаган 1988—1992 йилларга келиб қўзга кўриди. Янги бошиқ ички қаровсиз ҳолга келиб қолган мевали болғарни тартибга келтириш, янгиларини барпо этишдан бошлади. Икки-уч йил ичда 400 гектар боғнинг 200 гектари янгиланди. Дарахларга ҳар йили шакл бериладиган, оралари ўнгитлаиб, ҳайдалаган бўлди. Қарабсизми, дегилди ҳосилдан қолган болғар яна мўл мева бера бошлади. Хўжалик бир йилда давлатга 1000 тонна мева, 700 тонна узум ва 400 тонна савабот этказиб берди. Шундан кейин директор қишлоқларни ободонлаштиришга эътиборин қаратди. Лашкар қишлоғида 420 ўринли мактаб, Тожикуён қишлоғида боғча-ясни қурилади. Учта қишлоқда — Тожикуён, Лашкар ва Аиритопонда чойсана очилди. Тўрпта қишлоқнинг учтаси нимчлик сув билан таъминланди. 20 километр масофага қурулар тортилиб, 350 хонадонда табиий газ яна бошлади. Бундан ташқари, боқувишининг йўқотган ички қирғига — Пактогор қишлоғидаги Қиммат Тўхтасинова ва Қўзиқасқар қишлоғидаги Ҳафиза Халлово учун хўжалик ҳисобидан уй қуриб берилди. Ўз замонада "Мўён" давлат хўжалигининг номи, шўхрат собиқ Иттифокнинг марказий шаҳарларига етиб бориб, унинг мевадаридаги мексаликлар ҳам ҳар йили баҳардан бўлишарди. 1993 йили "Мўён" жамоа хўжалигига айланди. Шўхратжон ўнга раси этиб сайланди, хўжаликнинг илгарии доғрурини тиклашга астойдил бел боғланди. Ишчи яна ободонлаштириш, одамларнинг яшаш шартларини яхшиладиган бошлади. Энг аввало, Янгиер қишлоғидаги қурилиш тўхтаб қолган 420 ўринли мактаб биносидан ишни жоплантириш ҳаракатига тушди. Пойдоверни қўйилганга қолган

жамоа ва Мичурин номли давлат хўжалиқлари ҳам дўкон эгалари бўлидилар. Ёниқ савдо расталари лекқонларга, айниқса, манзур бўлаётди. Мутасаддилар мустақиллик шодиенаси арафасида бозор билан ена-ен Пойтуғ маданият ва истроҳат боғини ҳам обод қилдилар. Маҳобатли мақбара тикланди. Болалар макдончалари, оталар чойхоналари қайта таъмирланди. Шаҳар ўртасига унинг рамзий калити ўрнатилди. Йўллар кенгайтирилиб, манзарали дарахт қўчатлари экилди. Қўчаннинг асосий қисмига эса тунлари ениб-ўчуви чироклар ўзгача хуси бериб турди. Туманда кенг қўлмада ободончилик ишларини амалда оширишда 119-механизациялашган қўлма колонна қурувчилари алоҳида ғайрат кўрсатдилар. Улар қурилиш ишларини ҳамон давом эттирмақдалар. Ахир юрт обод бўлса, юзлар еруғ, қўнлиқлар шод бўлади. Ф. ШОДИМОНАЛИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Хушхабарлар

ОНГ АХШИЛАР ТАНЛАНАПТИ Қашқадарё вилоти мустақил республикамизнинг уч йиллик байрағига ўзгача иштиёқ билан катта тайёргарлик кўрмоқда. Чунки Уларнинг бу йилги байрам тантаналари Қашқадарёнинг 70 йиллик ўйига туташиб кетади. Бу ерда туманлараро турли бахслар, кўрик-танловлар ва қизиқари бешлашулар ўтказилиб, вилотиинг энг ахши шўлачилиси, энг яхши маданият аҳлидан каби унган учун "Қураш" бормоқда. Вилотнинг 14 та тумани санъаткорлари "Кўйла, менинг отин ёшлик" шори остида бағсга киришдилар. Бир-биридан гўлган, жоизбали санъат олдига ҳайратланган ҳақам-

лар ҳайатининг бешлашуви иштроқчилари орасидан голнбларни аниқлашлари аниқ мушкул келди. Бешлашуда Шахрисабз, Нишон, Касби, Чироқчи каби туманларнинг бадий жамоа ишлари ўз сайётини намойиш этишди. "Энг ахшилар" мустақиллигининг уч йиллиги. Ва Қашқадарё илоатининг 70 йиллик тўйдада қатнашшарди. "ОРЗУ" ПОЙТАХТГА ТАҚЛИФ ҚИЛИНДИ Қорақалпоғистон санъат усталарининг қўнқ оҳангарлига тортиб мустақилликдан торттиб ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, фидойилик каби голлар ҳам чуқур синиб кетган. Қадим Бухоро турроғида ўтаётган ана шундай тадбирлардан бири "Ижодимиз сенга бахшанда, ҳур

Узбекистон!" шори остида бўлиб ўтди. Унда иштирок этётган 10 дан ортиқ туман ўзларининг бетакорр ва жоизбали санъати билан бирга худудда ишлаб чиқарилаётган санъат кўргазмасини ҳам ташки қилди. Улар орасида ўзининг беқивс уштарилган "Қорқул" тумани биринчилигин олди. Энди қоракўнликлар 1 сентябрь кун Бухоро шаҳрида ўтадиган "Тўпла, яна, ҳур Ўзбекистон!" номли катта театрлаштирилган томошода иштирок этишарди. Ухтам ХАЙДАВЛОВ, "Халқ сўзи"нинг жамоватчи мухбири.


Т. ҲАМРОҚУЛОВ, С. САЙФИДИНОВ.



• Тўлан Низом

ҲИЛПИРА, БАЙРОҒИМ!

["Хумо" номли дostonдан парчалар]



Бирланган Миллатлар Ташкилотига, Ўзбекистон номи — қарор-хатида. Бир хабар тарқалди нур қанотида — Ҳилпира, Байроғим!

Бу хабар тарқалди — олам эшитди, Неча Хондамирлар тарихга битди, Қуллик занжирларини халқимиз итқиди. Ҳилпира, Байроғим!

Ота-боболарнинг руҳи шодланди, Ўзбекининг ўчмаган номи ёлланди, Соҳибқирон Темури яна отланди. Ҳилпира, Байроғим!

Сирларе бўйида бошланди тўйлар, Ҳар дамда сўйилди ҳисорий кўйлар, Ўзбекистон тенглар ичра бўй-бўйлар, Ҳилпира, Байроғим!

Яна чилдирманинг тантанаси бор, Ногора тинмайди, қарнай — ларзақор, Меҳнат, қўшиқ билан ўлкам бахтиёр, Ҳилпира, Байроғим!

Мен эса хонамга чўкаман шу дам, Қоғозга қувончим тўкаман шу дам, Тақдир мангилайдан ўпаман шу дам. Ҳилпира, Байроғим!

Байроқ ҳилпирайди мовий ҳавода, Уни эркалайди майин шаббода.

Унга термулади ҳар ўткир ниғоҳ, Киприқлар майсаси намланур гоҳ-гоҳ.

Байроқ ҳилпирайди, нурлар ўйнатар, Эркин қувнар тўе мовий кабутар!

Мовий ранг — тирилик, ҳаёт тарзидир, Ундаги оппоқ ранг поклик рамзидир.

Яшил ранг ҳаминша Умид тинсоли, Ҳам қизил чизиклар қондир мисоли.

Яримой тасвири — Истиқлол шони, Ўн икки юлдузда — миллат ниймони...

Байроқ ҳилпирайди ниллий ҳавода, Эркалайди уни мовий шаббода...

Қайтмағай ортига ўтган замонлар, Ой янглик юз очди қадим замонлар,

Келди Мустақиллик — давру давронлар, Бу бахтни кўрмаган ис-не хоқонлар,

Халқимни оламда бор қил, худойим! Асл фарзандларни асрагил доим!

Ўзлгини кўрсатур энди ўзбегим, Амир Темури энди менинг ўзлгиним,

Улуғ Навоийдек улуг сўзлгиним — Иби Сино, шоҳ Бобур, шоҳ Улугбеким.

Халқимни оламда бор қил, худойим! Асл фарзандларни асрагил доим!

Бухорий, Ясавий, Нақшбандга боқ; Уларнинг хокидан уйроқ бу тупроқ, Тарихим қати — қон, қондир ҳар вароқ, Ҳар битта сатрда алам, дард, фироқ... Халқимни оламда бор қил, худойим! Асл фарзандларни асрагил доим!

Саробга айланди ганимлар фоли, Элга маълум бўлди уларнинг ҳоли, Аспиди ким улар, нима аъмоли?! Содик ўғиллардир Ватанга толей! Халқимни оламда бор қил, худойим! Асл фарзандларни асрагил доим!

Байроғим ҳилпирар бахт, бардош бўлиб, Егдуси қувончдан қўзда еш бўлиб. Истиқлол йўлида у йўлдош бўлиб, Мангу ярақлайди у қуеш бўлиб! Халқимни оламда бор қил, худойим! Асл фарзандларни асрагил доим!

Бўз шаҳарчаси.

ФАЙЗ

• Маҳаллада жашвара

Шу кунларда мустақилликнинг уч йиллигига бағишлаб ҳар бир маҳалла, туман ва вилоятларда тадбирлар ўтказилмоқда. Пойтахтнинг "Давр" чойхонасида ҳам Ҳамза тумани ҳокимлиги ҳамда хотин-қизлар кенгаши ташаббуси билан "Ойла, жамият ва саводхонлик" мавзусида кеча бўлиб ўтди. Унда тумандаги 42 та маҳалла ва ўттиздан ортиқ ташкилотнинг хотин-қизлар кенгаши аъзолари иштирок этдилар. Аёл — ҳаёт шамчирғи. Улар

руҳидаги кўтаринчилик нафақат онла, балки жамият ривожига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Шунинг учун кеча жонли мулоқот тарзида, файзли ўтказилди. — Бундай тадбир туманида биринчи марта ўтказилди, — дейди туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Иқбол Азизова. — Уни ташкил қилишда Юнусов номли маҳалла комитети раиси Қодирхўжа ака Йўлдошев ҳамда ана шу маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раиси Шарофат опа Йўлдошевлар катта



Эрдэм бердилар. Бундан ташқари, маҳалладан Жаҳонай Эгамбердиева, Аҳмаджон Назаров номли Турсуной Эшматова, Нодира

маҳалласидан Муқаддас Раҳмонбердиева, Акмал Икромов маҳалласидан Маҳбуба Ғисоваларнинг кўшган хиссаларини ҳам алоҳида таъкидламоқ керак. Тадбир катта байрамга айланиб кетди. Хонандалар Мавлуда Асалхўжаева, Аҳрор Усмонов, Т. Содиков номли "Анор" дастасининг куй-қўшиқлари кечага ўзгача файз бахш этди.

Лобар ҚУЧҚОРОВА, "Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТДА: кечадан лавҳа. Асрор ХОЛМУҲАМЕДОВ олган сурат.

• Спорт

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАРИ

Самбочи қизларимиз Осие чемпионатининг ўн саккизта медалига сазовор бўлишди

Самбочи йигитларимизнинг Алмати шаҳрида ўтказилган Осие чемпионатида эришган ютуқлари ҳақида хабар берган эдик. Қизларимиз ҳам айнан шу шаҳарда ўтказилган Осие чемпионатида зафар кучишди. 1992 йилги жаҳон чемпионатининг совриндори, 80 килограмм вази тоифасида гиламга чиққан ҳамюртимиз Юлия Янкина яна ўзининг тенги йўқ маҳорат эгаси эканлигини кўрсатди. У аввалги ешлар, сўнгра катталар мусобақасида гиламга чиқиб, Осие чемпионатининг иккита олтин медалига сазовор бўлди. Юлия 1975 йилда туғилган. Мурабийси Қодир Қўлдошев. Жаҳон чемпионатининг бронза медали соҳибаси, 18 ешли юртдошимиз Екатерина Зайцева (44 кг) ҳам Осие чемпионатининг иккита

олтин медалини кўлга киритди. Екатеринага ҳам Қодир Қўлдошев устозлик қилади. Фазилидин Пулатовнинг шогирди Елена Тулупова ҳам дугоналарининг муваффақиятини такрорлади. У 54 килограммликлар баҳсида Осие чемпионатининг икки олтин медалига сазовор бўлди. Умуман, самбочи қизларимиз Алматида китба биринчилигини китба самбо федерациясининг қорига бинан ватанимиз пойтахти Тошкентда ўтказиладиган бўлди. Раула ЖУМАЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг савдо ва тижоратга қўмаклашувчи "САВДОГАР" иқтисослаштирилган акционерлик-тижорат банки иш бошлади

The Specialized Joint - Stock Commercial Bank "SAVDOGAR" for Promotion of Trade & Commerce of the Republic of Uzbekistan



Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкда 1994 йил 12 майда руйхатдан ўтказилган. Шу жумладан, Андижон, Бухоро, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри бўлимлари руйхатдан ўтказилди ва ўз фаолиятини бошлади. Қолган вилоятларда ва Қорақалпоғистон Республикасида банкнинг бўлимларини очиш борасида иш олиб борилмоқда. Россия Федерациясининг 3 банки, яъни Саноат қурилиш банки, Автойўлбанк ва Деҳқончилик саноат банки, Козоғистон Республикасининг

2 банки, яъни Туронбанк ва Деҳқончилик саноат банки ва Беларусь Республикасининг Деҳқончилик саноат банки билан корреспондентлик муносабатлари ўрнатилди. "САВДОГАР" банкнинг устав сармояси 6 миллион сўм. Муассислар: - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги; - Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки; - "Ўзбексавдо" давлат акционерлик уюшмаси; - "Ўзбекбирлашув"; - "Ўзтайёрловсавдо".

Банкнинг асосий вазифалари республиканинг савдо ташкилотларига хизмат кўрсатиш, савдо ташкилотлари билан халқ ҳўжалигининг бошқа тармоқлари корхоналари ўртасидаги савдохарид операциялари ва ҳисоб-китобларни маблағ билан таъминлашдан иборат. Банкнинг манзили: 700060, Тошкент шаҳри, Клара Цеткин кўчаси, 76-уй. Телефон (Факс): (3712) 54-19-91

Abdullah group of companies. Advertisement for Abdullah's products, including contact information for the group of companies in Tashkent.

• Шоҳмат

ЙЎЛДОШЕВНИНГ ҒАЛАБАСИ



Рязань шаҳрида шоҳмат бўйича халқаро турнир яқунланди. Унда жаҳоннинг турли бурчақларидан келган 150

нафардан ортиқ шоҳматчи голиблик учун ўзаро донда суришди. Икки қарра Ўзбекистон чемпиони, чирчиқлик Сайдали Йўлдошев 9 имкониятдан 7,5 очко жамғариб, турнир голиби бўлди. Яна бир шоҳматчимиз, бухоролик Сергей Нодирхонов эса турнирда фахрли учинчи ўринга кўтарилди. Шу ерда ўтказилган теозор шоҳмат турнирида ҳам ҳамюртимиз Сайдали Йўлдошев голиб чиқди. Р. ЭРМУҲАММАД, СУРАТДА: Сайдали ЙЎЛДОШЕВ.

"Пищевик" - илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси қисқа муддат ичиди сизлар учун юқори илмий-техникавий даражада қуйидаги буюртмаларни бажаради: 1. Илмий-техникавий буюртмалар: таркибида ёғ моддалари бўлган урувларни, мева, сабзавот ва узум маҳсулотларини қайта ишлаш учун бежирим ва чиқиндисиз технология ва ускуналар яратиш бўйича; маҳаллий хом ашёларни ишлаш билан боғлиқ бўлган ҳамма озик-овқат ва қайта ишлаш саноатлари учун янги маҳсулот турлари технологияси ва кўрсатмаларига норматив техникавий ҳужжатлар тайёрлаш бўйича; созлаш, ишла тушириш ва технологияни ўзлаштиришда сифатли илмий-техникавий ёрдам кўрсатиш бўйича; озик-овқат маҳсулотлари учун чиройли, бежирим этикеткалар (ёриқлар) тайёрлайди ва ишлаб чиқаради. 2. Лойиҳалар бўйича буюртмалар: Озик-овқат саноати тармоқларига қарашли бўлган барча ишлаб чиқариш муассасаларини қайта қуриш, кенгайтириш, техникавий ускуналаш ва янги қурилиш учун қуйидаги йўналишлар бўйича лойиҳалар тайёрлайди: - ёғ-мой, - ханд, - вино, - пиво ва спиртсиз ичимликлари, - сут ва пишлоқ маҳсулотлари, - пектин ва лакрица экстрактлари ишлаб чиқариш бўйича. Лойиҳалар чет эл ва ватанимизнинг илгор технологияларида асосланган ҳолатда ишлаб чиқарилади. Мавзунгоҳ: 700011, Тошкент, Навоий кўчаси, 9. Алоқалар учун телефонлар: 41-05-61, 41-07-50, 41-56-69.

Ўзбекистон бозорида етакчи немис машинасозлик компаниялари маҳсулотларини тақдим этувчи "ФЕРРОСТАЛЬ АГ" ФИРМАСИ ўзининг ўзбекистонлик шериклари ва мижозларига икки йиллик самарали ва ўзаро фойдали ҳамкорлик учун миннатдорчилик билдиради! Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришда иштирок этиш биз учун катта шарафдир! "Ферросталь АГ" (ГФР, Эссен ш.) ваколатхонаси: 700060, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Охунбоев кўчаси, 27. Тел: 336348, 320954.

Халқ Сўзи Народное Слово. ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; аълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Анвар Жўрабоев.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров, навбатчи — Т. Долиев.